



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН  
ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ

Шахрисабз шаҳри 2022 йил 24 ноябр [REDACTED]-сонли иш

Шахрисабз туманлараро иқтисодий суди, судья О.Қурбоновнинг раислигида, судья ёрдамчиси Р.Остоновнинг котиблигида, [REDACTED] масъулияти чекланган жамияти суд тугатиш бошқарувчиси [REDACTED] иштирокида, [REDACTED] масъулияти чекланган жамияти суд тугатиш бошқарувчисининг, қарздор [REDACTED] масъулияти чекланган жамиятига нисбатан берган даъво аризаси асосида қўзғатилган [REDACTED]-сонли иқтисодий ишини, Шахрисабз туманлараро иқтисодий суди биносида очиқ суд мажлиси муҳокамасида кўриб чиқиб, қуйидагиларни-

**АНИҚЛАДИ:**

[REDACTED] масъулияти чекланган жамияти суд тугатиш бошқарувчиси (матнда - даъвогар деб юритилади), [REDACTED] масъулияти чекланган жамияти (матнда - жавобгар деб юритилади)га нисбатан даъво аризаси билан судга мурожаат қилиб, 2020 йил 30 апрелда [REDACTED] масъулияти чекланган жамияти томонидан жавобгарнинг ҳисоб рақамига 6 451 000 сўм қайтариш шарти билан молиявий ёрдам ва 2020 йил 19 август куни яна иккинчи марта 3 189 694,71 сўм қайтариш шарти билан молиявий ёрдам, жами бўлиб 9 640 694,71 сўм тўлов топшириқномаларига асосан ўтказиб берилган бўлса-да, ҳозирги кунга қадар жавобгар томонидан қайтарилмаганлигини, жавобгарга юборилган талабнома жавобсиз қолдирилганлигини билдириб, 9 640 694,71 сўм молиявий ёрдам пулни дебитор қарздорлик сифатида жавобгардан даъвогар фойдасига ундиришни сўраган.

Иш муҳокамасининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тарзда хабардор қилинган жавобгар суд мажлисида ўз вакили иштирокини таъминламади. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий кодекси(матнда ИПК деб юритилади)нинг 170-моддаси учинчи қисмига кўра, иш муҳокамасининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тарзда хабардор қилинган жавобгар, учинчи шахслар суд мажлисига келмаса, низо уларнинг йўқлигида ҳал қилиниши мумкин.

Суд мажлисида иштирок этган даъвогар суд тугатиш бошқарувчиси [REDACTED] судга берган кўрсатувида, даъвони тўлиқ қўллаб-қувватлаб, уни қаноатлантиришни суддан сўради.

Суд даъвогар вакилини тинглаб, иш ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, қуйидаги асосларга кўра, даъво аризасини қисман қаноатлантиришни лозим деб ҳисоблайди.

Иш ҳужжатларидан ва суд жараёнида аниқланган ҳолатлардан маълум бўлишича, Шахрисабз туманлараро иқтисодий судининг иш юритувида бўлган [REDACTED]-сонли иш бўйича 2022 йил 5 январда қабул қилинган ҳал қилув қарорига асосан [REDACTED] масъулияти чекланган жамиятини банкрот деб топилган ва суд тугатиш бошқарувчиси этиб [REDACTED] тайинланган.

Суд тугатиш бошқарувчиси томонидан [REDACTED] масъулияти чекланган жамиятини тугатиш жараёнида ўтказилган таҳлилларга кўра [REDACTED] масъулияти чекланган жамиятини томонидан жавобгарнинг ҳисоб рақамига 2020 йил 30 апрелда 6 451 000 сўм ва 2020 йил 19 августда 3 189 694,71 сўм, жами бўлиб 9 640 694,71 сўм

пул маблағлари тўлов топшириқномаларига асосан қайтариш шарти билан молиявий ёрдам сифатида ўтказиб берилганлиги аниқланган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг (кейинги ўринларда ФК) 732-моддаси биринчи қисмига кўра, қарз шартномаси бўйича бир тараф (қарз берувчи) иккинчи тарафга (қарз олувчига) пул ёки турга хос аломатлари билан белгиланган бошқа ашёларни мулк қилиб беради, қарз олувчи эса қарз берувчига бир йўла ёки бўлиб-бўлиб, ўшанча суммадаги пулни ёки қарзга олинган ашёларнинг хили, сифати ва миқдорига баравар ашёларни (қарз суммасини) қайтариб бериш мажбуриятини олади.

Ушбу модданинг иккинчи қисмига кўра, қарз шартномаси пул ёки ашёлар топширилган пайдан бошлаб тузилган ҳисобланади.

Жавобгар билан низони судгача ҳал қилиш тартибига риоя этган ҳолда талабнома (билдиришнома) берилиб огоҳлантирилган бўлишига қарамасдан, жавобгар томонидан қарзни ихтиёрий равишда қайтариш чоралари кўрилмаган.

Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 735-моддаси биринчи қисмига кўра, қарз олувчи олинган қарз суммасини қарз шартномасида назарда тутилган муддатда ва тартибда қарз берувчига қайтариши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 234-моддаси биринчи қисмига кўра, мажбурият - фуқаролик ҳуқуқий муносабати бўлиб, унга асосан бир шахс (қарздор) бошқа шахс (кредитор) фойдасига муайян ҳаракатни амалга оширишга, чунончи: мол-мулкни топшириш, ишни бажариш, хизматлар кўрсатиш, пул тўлаш ва ҳоказо ёки муайян ҳаракатдан ўзини сақлашга мажбур бўлади, кредитор эса - қарздордан ўзининг мажбуриятларини бажаришни талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси (бундан буён матнда ФК деб юритилади)нинг 236-моддасида, мажбуриятлар мажбурият шартларига ва қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ, бундай шартлар ва талаблар бўлмаганда эса-иш муомаласи одатларига ёки одатда кўйиладиган бошқа талабларга мувофиқ лозим даражада бажарилиши керак деб белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг «Мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун мулкий жавобгарлик тўғрисидаги фуқаролик қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида» 2007 йил 15 июндаги 163-сонли қарорининг 12-бандида, Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 333-моддасига асосан, агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада бошқа тартиб назарда тутилган бўлмаса, қарздор айби бўлган тақдирда мажбуриятни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун жавоб беради.

Ўзбекистон Республикаси **Фуқаролик кодексининг** 324-моддаси биринчи қисмига кўра, қарздор мажбуриятни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги туфайли кредиторга етказилган зарарни тўлаши шарт.

Бундай ҳолатда, суд даъвогарнинг даъво аризасини қаноатлантиришни, жавобгар [REDACTED] масъулияти чекланган жамиятидан даъвогар [REDACTED] масъулияти чекланган жамияти суд тугатиш бошқарувчиси ҳисобига 9 640 694,71 сўм молиявий ёрдам пули дебитор қарздорликни ундиришни, ундирилиши лозим бўлган суд харажатлари масаласини муҳокама қилиб, жавобгар [REDACTED] масъулияти чекланган жамиятидан Республика бюджетига 300 000 сўм давлат божи, Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти Қашқадарё вилоят бўлими ҳисобига 24 000 сўм почта харажати ундиришни лозим топади.

Юқоридагиларга кўра, Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 234, 236-237, 324, 326-327, 333, 732, 734-735-моддалари, Ўзбекистон Республикаси ИПКнинг 113, 176 -180 ва 186-моддаларига асосланиб, суд-

### **Қ А Р О Р Қ И Л Д И:**

Даъвогарнинг даъво аризаси қисман қаноатлантирилсин.

Жавобгар «Омад шамшири» масъулияти чекланган жамиятидан даъвогар ■■■■■  
■■■■■ масъулияти чекланган жамияти суд тугатиш бошқарувчиси ҳисобига  
9 640 694,71 сўм молиявий ёрдам пулни дебитор қарздорлик ундирилсин.

Жавобгар ■■■■■ масъулияти чекланган жамиятидан Республика  
бюджетига 300 000 сўм давлат божи, Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти  
Қашқадарё вилоят бўлими ҳисобига 24 000 сўм почта харажати ундирилсин.

Ҳал қилув қароридан норози бўлган томонлар бир ой муддат ичида шу суд  
орқали Қашқадарё вилоят судининг иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатига  
апелляция тартибида шикоят бериши (протест келтириши) мумкин.

**Судья**

**О.Қурбонов**